



ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ АСОСИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

ЮРТИМИЗДА «КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ» ТАМОЙИЛИ АСОСИДА УЛКАН ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. АЙНИҚСА, ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ЎЗ МАЗМУН-МОҲИЯТИГА КЎРА БУ БОРАДА ЯНГИ ДАВРНИ БОШЛАБ БЕРДИ.

ПОЙТАХТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТГАН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МУСТАҚИЛ ИНСТИТУТИНИНГ ЙИЛЛИК КОНФЕРЕНЦИЯСИДА СЎЗГА ЧИҚҚАНЛАР БУНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШДИ.



► Давоми 2-бетда.



БУГУН
ОНА
ЮРТДА...

Партиямиз ташаббуси билан

Гулистон давлат университетиди ёшларни диний экстремизм ва ёт ғоялар таъсиридан асраш мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда ЎзДХДП вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, «Истикбол» ёшлар қаноти фаоллари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари, «Ёш сиёсатчилар» клуби тингловчилари, талабалар ва ОАВ ходимлари иштирок этди. Бу ҳақда Сирдарё вилоят ҳокимлиги расмий сайти хабар бермоқда.

Давра суҳбатини ЎзДХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Алишер Тошматов бошқарди.

ЎзДХДП Марказий Кенгаши ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари сектори мудири Умрбек Бектемиров бугунги устувор вазифалар, жумладан, ёшларни турли ёт таъсирлардан асраш борасида партия тизимида амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисида атрафлича тўхталди.

Тадбирда 10 нафар йигит-қиз ЎзДХДП сафига қабул қилинди.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси

Бухоро давлат университети томонидан «Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда вилоятдаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, талабалар, шунингдек, қорхона ва фермер ҳўжалиқлари раҳбарлари қатнашди.

Анжуманни вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Муҳиддин Эсанов очиб, мустақиллик йилларида юртимизда барча соҳалар қатори илм-фан, сановат, қишлоқ ҳўжалиги бора-бора мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришилганини таъкидлади.

«Бухоронома» газетаси сайтида ёзилишича, Бухоро давлат университети ректори Абдуқобил Тўлаганов бошқарган семинарда халқ ҳўжалигининг турли йўналишлари бўйича излашни олиб бораётган ёш тадқиқотчилар, илмий ходимлар ўз фаолиятлари натижалари юзасидан йиғилганларга маълумот беришди.

Қарор ижросига бағишланди

Наманган вилояти ҳокимлигида Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон ҳўкумат» тизими доирасида «Ерғодез-кадастр» давлат қўмитаси томонидан амалга оширилиши белгиланган инвестицион лойиҳалар ижросини таъминлашга қаратилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги расмий сайтида хабар берилишича, тадбирда тегишли ташкилот ва идораларнинг масъул ходимлари иштирок этган.

Маҳлисида таъкидланганидек, ҳудудда қарор ва лойиҳалар ижросини таъминлаш юзасидан тизимли ишлар йўлга қўйилган. Бугунги кунда вилоят «Ермулкадастр» давлат қорхонаси ҳамда солиқ бошқармаси, маҳаллий ҳокимликлар мутахассислари томонидан назорат мониторингини шаклида жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкларини йўқламадан ўтказиш ишлари олиб боришмоқда.

Тадбирда вилоят ҳокими Хайрулла Бозоров ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси Саидқул Арабов қатнашди.

Сирдарё

Бухоро

Наманган

ЯНГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Президентимиз Ислам Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналиши ва 2016 йилда мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги мағрузасида «Электрон ҳўкумат» тизимини янада ривожлантириш устувор аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари А.Файзуллаев ва бошқалар мамлакатимизда электрон шаклда маълумотлар алмашиш кенг йўлга қўйилганлиги, фуқаролар муурожаатларини қабул қилиш ва улар манфаатларини таъминлаш самарадорлиги ошаётганини таъкидлади.

Семинарда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 декабрда қабул қилинган «Электрон ҳўкумат тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти ва уни амалиётда қўллашнинг муҳим жиҳатларига оид маълумотлар берилди. Ушбу қонун жорий йилнинг июнь ойида қўлга киришини ҳисобга олиб, унда белгиланган чоратадбирлардан соҳа мутахассисларини хабардор этиш, бошқарув тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, улардан фойдаланишни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

«Электрон ҳўкумат» тизими давлат ва аҳолининг яқин ҳамкорлигини таъминлайди, — дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳўкумат» тизимини ривожлантириш маркази директорининг биринчи ўринбосари Ҳ.Исаев. — Тизим доирасида интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ва улардан фойдаланиш механизми жорий этилмоқда, соҳа мутахассисларининг бу борадаги билим ва малакаси оширилмоқда.

Семинар доирасида қонун нормаларини қўллаш, тизимни самарали ташкил этишга оид тақлифлар билдирилди. «Электрон ҳўкумат» инфратузилмасининг жорий ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритилди.

Б.МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири.

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

ЭЛЕКТОРАТ ТАКЛИФЛАРИ ФРАКЦИЯГА ТАҚДИМ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорат манфаатлари қонунчилигида ўз ифодасини топишига жиддий эътибор қаратмоқда. Ҳусусан, бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари иштирокида жойларда ҳам атрафлича муҳокама этиляпти. Бу қабул қилинаётган қонунларга кенг жамоатчиликнинг муносабати, фикр-мулоҳазаларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Натижада қонун лойиҳалари бўйича фракция тақлифларини тайёрлаш ва асослаб бериш жараёни изчил тус олмоқда.

Шу тариқа қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, уларга электорат манфаатларидан келиб чиқиб муносабат билдириш, тақлифларни шакллантиришда расмий, юзаки ёндашувдан воз кечилмоқда. Ҳар бир қонун лойиҳаси соҳага оид ташкилотлар мутасаддилари, маҳалла фаоллари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи аъзолари, фахрийлар ҳамда мутахассислар иштирокида кенг муҳокама этилмоқда.

боғлиқ қатор тақлифлар билдирилди.

— Қонунчилик палатасида кўрилаётган қонун лойиҳаси аҳоли вакиллари билан ҳам муҳокамадан ўтказилиши ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлмоқда. Бу ҳудудларда ечимини кутаётган масалаларнинг ҳуқуқий асосини яратишга хизмат қилади, — дейди халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги ЎзДХДП гуруҳи аъзоси Бўриқул Жаъфаров. — Яқинда биз «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрири лойиҳасини кенг муҳокама қилдик. Партиямиз дастуридаги ғояларни акс эттиришга, иш берувчининг масъулиятини оширишга қаратилган тақлифларимизни ҳам тақдим этдик.

Ўз мухбиримиз.

КЎКЛАМ НАФАСИ



БАҲОР СУРХОНДАН БОШЛАНАДИ

4

ЎЗДХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида Ўрта Чирчиқ туманида шу мавзуда тадбир ўтказилди.

Унда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят ҳамда партиянинг Ўрта Чирчиқ туман кен-

гаши масъул ходимлари, «Фаол аёллар» қаноти етакчилари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, «Тарғиботчилар гуруҳи» ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗДХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

2015 йилда ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРФОНА ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎЗДХДП ГУРУҲЛАРИ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТ ВА ИДОРАЛАРГА 711 ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ. НАТИЖАДА ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎПЛАБ МАСАЛАЛАР ҲАЛ ЭТИЛДИ.


ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЎЗДХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА 428 МУРОЖААТ БЎЛДИ. УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПДИ. ҚОЛГАНЛАРИГА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ПАРТИЯМИЗ ГУРУҲЛАРИ ТОМОНИДАН 189 МАСАЛА ЎРГАНИЛГАН. ШУНДАН 127 МАСАЛА ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИГИЛИШЛАРИДА, 87 МАСАЛА СЕССИЯЛАРДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ АСОСИ

■ Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА



«Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ва миқдор ўзгаришлари» мавзусида ўтказилган мазкур конференцияда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, институт марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари раҳбар ва ходимлари, давлат, жамоат ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Конференцияда мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланишининг ҳолати ва истиқболлари атрофида муҳокама этилди. Дастлаб институт директори **Ғолибжон Абдукаримов**нинг 2015 йилда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳолатининг мониторинг натижаларига бағишланган маърузаси тинланди.

— Мамлакатимизда меъёрий-ҳуқуқий шароитлар изчил яратиб борилиши натижасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни йилдан-йилга кучайиб бормоқда, — дейди институт директори. — Институтимиз томонидан демократик ислохот ва ўзгаришларнинг бориши, фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиши, ОАВнинг демократлашуви ҳамда либераллашуви жараёнларини чуқур ўрганиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Масалан, ўтган йили институт томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, жойлардаги ижтимоий аҳамиятга молик муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган 2 мингдан ортиқ тадбир ташкил этилди. Уларнинг 400 га яқини олис ҳудудларда ўтказилди.

Ўтган йили январь ойида кучга кирган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг амалий ижроси доирасида Қорақалпоғистон

Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши қоида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари тузилди. Уларнинг фаолияти мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашда фуқаролик институтларининг фаол иштирокини таъминлаш, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг масъулиятини янада оширишга туртки бўлди.

— Бугун давлатимиз томонидан фуқаролик жамияти институтлари фаол қўллаб-қувватланаётганини бизнинг ташкилотимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин, — дейди институт лойиҳа раҳбари **Азиз Йўлдошев**.

— Кейинги 8 йил мобайнида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджети ҳисобидан 47,7 миллиард сўм маблағ ажратилган. Хусусан, 2008 йилда бу маблағ 2,1 миллиард сўмни 2015 йилда эса 10 миллиард сўмни ташкил этди.

Бу эса, ўз навбатида, ушбу секторга йўналтирилаётган давлат молиявий қўмаги ҳажмининг барқарор ўсиш суръатидан далолат беради.

Конференцияда таъкидландики, 2015 йил давомида Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини

қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловларидаги ННТ сони сезиларли даражада ошгани яққол сезилади. 2010 йилда грант танловларида 275 ННТ иштирок этиб, улардан 82 таси голиб топилган бўлса, ўтган йили танловларда қатнашган 528 ННТ дан 177 таси грант маблағларини қўлга киритишди.

— Мамлакатимизда жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, ислохотлар ҳақида кенг жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини кучайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлашга йўналтирилган ислохотлар халқаро ташкилотлар, экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда, — дейди институт лойиҳа раҳбари **Салим Дониёров**.

— Жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ошиб бораётгани алоҳида таъкидланмоқда. Хусусан, 2014 йилда миллий босма ОАВ да жамоатчилик назорати шаклида 2452 мақола чоп этилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 3550 дан ошди.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун меъёrlарининг амалга оширилиши фуқаролар

мурожаати институтининг ривожланишига хизмат қилмоқда. Хусусан, фуқаролар томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига мурожаатлар кўпайди, шу билан бир қаторда, бундай мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича давлат органларининг масъулияти ва иш сифати тобора ошиб бормоқда.

Маърузачилар, шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида сиёсий партияларнинг роли ортиб бораётганини алоҳида қайд этишди. Жумладан, ҳудудий вакиллик органларида партия гуруҳларининг ижро ҳокимияти идоралари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш, қонунлар ва қарорлар ижросини назорат қилиш бўйича фаоллиги ортиб бормоқда, дейишди конференцияда сўзга чиққанлар.

Рақамларга кўра, 2014 йилда 1598 депутатлик сўрови тегишли ташкилотларга юборилган бўлса, 2015 йилда бу рақам 3505 тага етди.

Конференция кун тартибидagi бошқа масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилди. Фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашдаги ролини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Гулрух ОДАШБОВЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА!

Мьюша СЕВЕР,

«Минтақавий мулоқот» халқаро
ноҳукумат ташкилоти
(Словения)нинг Ўзбекистондаги
филиали директори:

— Кузатишларим натижасида бир нарсга амин бўлдимки, мамлакатимизда демократик ўзгаришларни амалга ошириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида изчил ва тизимли ишлар олиб боришмоқда. Натижада ўтган йиллар давомида юртингиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлар демократик қадриятларнинг муҳим асоси, фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг асосий омилга айлана олди. Бу соҳага оид қонунчилик тизими тобора такомиллашганлигининг самараси, деб ўйлайман. Конференцияда бу бўйича янада қўллаб-қувватлашга эга бўлдим. Умуман олганда, Ўзбекистон фуқаролик жамияти қуриш, хусусан, бу жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари фаолияти самарадорлигини юксалтириш масалаларида юқори натижаларга эришмоқда.

Криста ПИККАТ,

ЮНЕСКОнинг
Ўзбекистондаги
ваколатхонаси раҳбари:

— Бугун Ўзбекистон фуқароларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар фаолиятига қизиқиши юқори эканини кўриш мумкин. Конференцияда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли ҳам тобора ошиб бораётгани таъкидланди. Ўйлашимча, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишида мамлакатимиздаги янгилашлар, ижтимоий шерикликнинг шакл ва механизмларини мукаммаллаштириш, аҳоли ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

— Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган, — дейди **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Сирожиiddин Аъзамов**. — Шунга мувофиқ, ўтган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш борасида қўллаб-қувватлаш кўп ишлар қилинмоқда. Бугун ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам замонавий кишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилди, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати тобора ошиб бормоқда. Натижада одамларнинг ўртача умр кечирishi собиқ тузум давриддан анча узайди. Оналар ва болалар ўлими кескин камайди. Шу жиҳатдан қаралганда, партия ташкилотлари ва депутатларимиз олдида ҳам долзарб вазифалар турибди. Оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ўрганиб, аниқланган муаммоларни доимий комиссия ва сессияларда муҳокама этишга эришиш керак.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўрта Чирчиқ тумани кўп тармоқли оилавий поликлиникаси шифокори **Насиба Аҳмедова** никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг муҳимлигини тушунтириш масалаларига эътибор қаратди. Партия кенгашлари депутатлар ҳамкор ташкилотлар билан бирга ҳар бир маҳалла ва кишлоқда тарғибот ишларини олиб бориши, одамлар билан очик мулоқотлар ташкил этиши муҳим экани қайд этилди.

Давра суҳбати давомида тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар, кишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини яхшилаш, айниқса, ногирон болаларга реабилитация хизмати кўрсатиш сифатини ошириш ишлари устидан самарали депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатиш лозимлиги таъкидланди.

Тадбир доирасида, кишлоқ аҳолиси учун малакали мутахассисларнинг тиббий кўриги ташкил этилди. Унда Тошкент вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари, малакали шифокорлар иштирок этди.

Акция доирасида тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом



турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларда соғлом оила қуришга интилишни кучайтириш, юқумли касалликларга қарши курашиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

Тиббий кўрик асосида аёллар, ёш оналарга тавсиялар берилди.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон ХДП сафига кириш истагида бўлган йигирма нафар фуқарога аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Бувайда туманининг «Ўзумзор» маҳалласи Марказий Фарғона

чўлида жойлашган. У туман марказидан анча олисда. Аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Бу ерларнинг ўзига хос табиати бор. Ёзи иссиқ, қиши қаҳратон, баҳор-кузда қаттиқ шамол туради. Албатта, маҳаллий ҳокимият «Ўзумзор» аҳолисини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлайди. ЎзХДП Бувайда туман кенгаши ҳам бу маҳаллани алоҳида эътиборга олди. Дастлаб аҳоли ўртасида одамларнинг қизиқиши, уларни ўйлантираётган масалалар, маҳалладаги ижтимоий инфратузилма ўрганилди.

Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Маҳаллада туман партия кенгаши томонидан «Соғлом оила ва баркамол авлод — жамият бойлиги» мавзусида амалий семинар ўтказилиши, унинг доирасида кўчма Жамоатчилик қабулхонаси, тиббий кўрик ташкил этилиши аввалдан эълон қилинди.

Нихоят белгиланган кун, вақтда ЎзХДП фаоллари билан учрашувга кўпчилиги йиғилди. Тадбирда сўз олган **ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Дилбархон Мамажонов** Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ҳамда ЎзХДП Сайловози, Ҳаракат дастуридан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш масалалари ҳақида тўхталди.

Учрашувда сўзга чиққан партия фаоллари — **туман тиббиёт бирлашмаси шифокори Назирахон Нўмонова**, «Бувайда кўзгуси» газетаси бош муҳаррири **Азизахон Солиева**, «Ўзумзор» КВП мудир **Эшпўлат Хусанов**, ҳудудий БПТ раиси **Санобархон Ўбайдуллаева** она ва бола саломатлигини

муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлиги, никоҳланувчиларнинг тиббий кўриги масалалари, бепул тиббий кўрик, даволаниш ҳамда бошқа имтиёзлар, улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида батафсил тушунчалар беришди.

Партия фаолларининг учрашуви давомида маҳалладаги хотин-қизлар, ёш келинлар тиббий кўрикдан ўтказилди. — Менда бироз қон босими ошганлиги аниқланди, — дейди **Ҳадичахон Зокирова**. — Шифокорлар зарур дори-дармонларни беришди. Бувайда туман партия кенгаши моддий ёрдам кўрсатди. Ҳаммаларига катта раҳмат.

Шу кунги ЎзХДП гуруҳи аъзолари, туман, вилоят ташкилотларининг мутасаддилари иштирокидаги кўчма Жамоатчилик қабулхонасида 25 нафар кишининг мурожаати тингланди. Мурожаатларнинг баъзилари масъуллар томонидан шу ернинг ўзида ечим топди. Қолганлари ўрганиб, тегишли тартибда ҳал этиш учун қабул қилинди.

— Маҳалламиздаги 37-умумтаълим мактабиди 158 нафар

ўқувчи таълим олади. Мактабнинг спорт зали таъмирталаб. Фарзандларимиз спорт билан шуғулланиши учун яхши шароит керак, — деди **«Ўзумзор» МФЙ раиси Карим Жўраев**.

— Кенжа қизим туғма ногирон. Тирсаги очилмайди. Уни Тошкентдаги шифохоналарда ихтисослашган шифокорларгина даволар экан, — дейди **Муножат Ғойипова**. — Шу масалада ёрдам сўрадим.

Кўчма жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилган яна бир гуруҳ ота-оналар мактабни чет тили ўқитувчиси, спорт мураббийи билан таъминлашни, маҳалла оқсоқоллари сув қувурларини янгилашда қўмаклашишни сўрашди.

— Одамларнинг ишончи бизга куч беради, — деди **ЎзХДП Бувайда тумани кенгаши раиси Ҳабибхон Тошматова**. — Ҳар бир мурожаат устиди изчил ишлаймиз ва уни ҳал этишга ҳаракат қиламиз.

Наврўз ШОДМОНКУЛОВ,
Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбирлари.

МИЛЛАТ ВА
МАЪНАВИЯТЎзбекистон
фуқаролари
52 давлатга визасиз
бора олади

«Henley & Partners» компанияси дунёдаги 200 дан ортиқ давлатнинг виза қончилигини ўрганиб чиқиб, рейтинг тузди, деб хабар беради «Norma.uz».

Рейтингда Германия етакчилик қилмоқда. Иккинчи ўринда Швеция, учинчи ўринни Финляндия, Франция, Испания, Италия ва Буюк Британия эгаллаган.

Мазкур рейтингда Ўзбекистон фуқаролари жаҳоннинг 52 давлатига визасиз бориши кўрсатиб ўтилган.

Ватикан
элчисиЎзбекистондаги
фаолиятини якунлади

24 февраль кунини Дин ишлари бўйича кўмита раиси Ортинбек Юсупов Ватикан давлатининг Ўзбекистондаги элчиси Иван Юрковични қабул қилди.

Кўмита расмий сайтида маълум қилинишича, элчининг дипломатик фаолияти якунланган.

Учрашув давомида элчи Ўзбекистондаги динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик масаласига эътибор қаратиб, бу борада олиб борилаётган давлат сиёсатига юқори баҳо берди. Ушбу йўналишдаги Ўзбекистон тажрибасини жаҳон ҳамжамиятига намуна сифатида кўрсатиш кераклигини таъкидлади.

Ўз навбатида кўмита раиси элчига мамлакатимизга бўлган эътибори учун миннатдорлик билдирди.

«Ўзбекистон
ҳаво йўллари»
Ригага парвозларини
кўпайтиради

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси жорий йилнинг 5 апрелидан бошлаб Тошкент — Рига — Тошкент йўналишини бўйича қўшимча қатновларни йўлга қўяди. Бу ҳақда компания расмий сайтида маълумот берилган.

Ҳозирга қадар парвозлар ҳафтада икки марта пайшанба ва якшанба кунлари эди. Энди сешанба кунини ҳам Ригага парвоз амалга оширилади.

Ўзбекистон — дунё бобуршунослигининг
марказига айланмоқда

Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг биринчи сафари 1992 йил май ойида амалга оширилган эди. Шу пайтгача 50 дан ортиқ давлатларга 25 марта сафар қилинди. Африка қитъасидан Ҳинди-Хитой ярим ороли, Европа-Америка давлатлари бўйлаб 375 минг километрдан ортиқ масофа босиб ўтирди.

Бу изланишлар натижасида тақдир тақозоси билан хорижда яшаган ва ижод қилган буюк алломаларимизнинг сўнгги манзиллари зиёрат қилинди, уларни ободонлаштириш юзасидан лойиҳалар тийёрланди.

Афғонистоннинг Хирот вилоятидаги Деҳи Канор даштида жойлашган мавлоно Лутфий ҳазратларининг мақбараси бунёд қилинди.

Илмий изланишлар натижасида 500 дан зиёд ноёб китоб ва нодир қўлёзма асарлар топилиб, айни пайтда улар «Бобур ва жаҳон маданияти» музейида сақланмоқда.

Кейинги ўн йил давомида буюк аждодларимизнинг бой илмий-адабий меросини



ўрганиш, бизгача етиб келмаган асарларини топиш, уларни таржима қилиб, китоб ҳолида ўқувчиларга етказиш йўлида изланишлар изчил давом эттирилди.

Фонд ташкил топгандан буён «Бобурнома» уч марта нашр этилди. Бугунги ёшларга тушунарли бўлиши учун «Бобурнома»нинг кирилл ва лотин алифболарида таъдиди яратилди.

Бобурнинг холавачаси Муҳаммад Хайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» асарини баъзи бир мутахассислар иккинчи «Бобурнома» деб аташади. Ана шу йирик мемуар асар форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди.

Тинимсиз изланишлар

Ўзбекистонни дунё бобуршунослигининг марказига айлантирди. Энг эътиборлиси, Бобур ҳаёти ва ижоди халқимизга янада маънан яқинлаштирилди.

Шуни фахр билан айтиш керакки бобуршунослик ривожига ўзбек олимлари қатори Япония, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон ва европалик олимлар ҳам муносиб ҳисса қўшишган.

2015 йил Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 532 йиллиги муносабати билан Андижонда ўтказилган илмий амалий анжуманда мана шулар ҳақида сўз юритилган эди.

Унда иштирок этган мисрлик бобуршунос Магда Махлуф, афғонистонлик Абдулла

Руин, юртдошларимиз Азиз Қаюмов, Саидбек Ҳасанов, Ҳасан Қудратуллоев, Ваҳоб Раҳмонов каби ўндан ортиқ бобуршунослар Бобур халқаро жамоат фонднинг мукофоти билан тақдирландилар.

Мамлакатимиз жамоатчилигига маълумки, ҳар йили февраль ойида Андижонда халқаро илмий анжуман ўтказиш анъанасига айланган. Бу эса, ўз навбатида, дунё бобуршуносларини Бобур Мирзо туғилган юртга янада яқинлаштириш бораберида, халқимизни олиб борилаётган изланишлар, қўлга киритилган ютуқлар билан мунтазам таништириб бориш имкониятини яратмоқда.

2015 йилнинг июль-август ойларида Бобур халқаро

илмий экспедициясининг Афғонистонга илмий сафари давомида Алишер Навоийнинг Хирот шаҳрида жойлашган абадий оромгоҳи таъмирланди. Хирот вилояти маъмурияти, халқаро ЮНЕСКО ташкилоти вакиллари ҳамда зиёлилар иштирокида анжуман ўтказилиб, унда иштирок этганлар Ўзбекистон ҳукуматида миннатдорлик билдиришди.

Анжуманда Алишер Навоий мақбараси атрофида боғ яратиш, у жойини зиёратгоҳга айлантириш ҳамда буюк мусавир Камолитдин Бехзод қабрига мақбара қуриш, ободонлаштириш юзасидан музокара олиб борилди. Икки томонлама баённома имзоланди. Бу тарихий воқеа ҳақида «Буюклар изидан» номли фильм ҳамда мақола тайёрланиб, мамлакатимиз жамоатчилигига ҳавола этилди.

Бу йилги анжуманда Россия Фанлар академияси ва Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида чоп этилган «Бобур библиографияси»нинг рус тилидаги нашри тақдими бўлиб ўтди.

Фонднинг ўз олдига қўйган мақсадлари кўп. Жумладан, Афғонистонда Абу Райҳон Беруний, Бобораҳим Машраб, Абдураҳмон Жомий, Ҳиндистонда Муҳаммад Хайдар Мирзо, Туркияда Али Қушчи, Сурияда Абу Наср Фаробий каби буюкларимиз қабрларини обод қилиш борасида ҳам бир қатор ишлар режалаштирилмоқда.

Зокиржон МАШРАБОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

НАВОИЙХОНЛИКЛАР ВА БОБУРХОНЛИКЛАР

Февраль мамлакатимизда адабиёт, маънавият оғи ҳисобланади. Бу ойда ўзбек мумтоз адабиётининг икки буюк намоёнаси — Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунини кенг нишонланади.

Тошкент солиқ коллежиди Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 533 йиллиги бағишланган кеча бўлиб ўтди. — Бобур асарларини мутлоқ қилган одам ундан катта маънавий озуқа олади, — дейди Тошкент солиқ коллежи директори Бахриддин Зайниддинов. — Улуғ мутафаккир асарлари қалбимизда гўзаллик, нафосат, эзулик туйғусини уйғотди, Ватанини кўз қорачигидек асраш, астойдил севишга ундайди. Бундай гоғлар ёшларни умуминсоний қадриятларга салқат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутди.

Чилонзор туманидаги 183-умумтаълим мактабиди Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишлаб газалхонлик кечаси ташкил этилди.

— Мактабимизда 300 нафарга яқин ўқувчи таълим олмақда, — дейди адабиёт фани ўқитувчиси Гулнора Эгамбердиева. — Улуғ бобурларимиз ҳаёт йўли, ижоди, халқимиз маънавиятида туган ўрнига бағишланган тadbирларда ўқувчиларимиз фаол иштирок этишди. Бугунги кечда 6-синф ўқувчилари Навоий ва Бобур газалларини ёддан ўқиди.

Алишер Навоий ва Бобур таваллуд кунига бағишланган тadbир «Агробанк» АТБда ҳам ўтказилди. Унда банк ходимлари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

— Инсон қайси касбда ишламасин ўзлигини англаши адабиётдан хабардор бўлиши муҳим аҳамиятга эга, — дейди «Агробанк» АТБ матбуот хизмати ходими Хайрулла Холтурраев. — Шу маънода бугунги тadbир банк ходимларида катта қизиқиш уйғотди. Бу каби маданий-маърифий кечаларни бундан кейин ҳам изчил ташкил этиб боришни режалаштирғанимиз.

Мазкур тadbир онлайн режимиди «Агробанк» АТБнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги бошқармаларига ҳам узатилди.

Самарқанд давлат университети қошидаги I-сон академик лицейда Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги кенг нишонланди. Тadbирда СамДУ профессори Муродқосим Абдиев, Самарқанд вилояти Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ходими Розик Фаризев, академик лицей директори Неймат Абиев қатнашди.

— Навоийхонлик кечасида лицейимиз ўқувчилари Алишер Навоий газалларидан намуналар ўқиди, — дейди ўқитувчи Дилфуза Тошмиева. — Алишер Навоий асарларидан парчалар саҳналаштирилди. Тadbир сўнггида ўқувчилар Эркин Воҳидов қаламида мансуб «Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса...» номли шеърни йиғилганлар эътиборига ҳавола қилиб, барчани Алишер Навоий ижодидан баҳраманд бўлишга чақирди.

2016 йил — соғлом она ва бола йили

Битирувчи қизлар билан мулоқот

Наманган қурилиш ва дизайн касб-хунар коллежиди «Она ва бола соғлом, оила бахтли бўлса — жамият мустаҳкам бўлади» деб номланган очик мулоқот ўтказилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тadbирда Президентимиз раҳнаомлигида аҳоли саноатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофиза қилишга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

— Президентимизнинг жорий йил 9 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида нафақат давлат идоралари, балки нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар учун ҳам аниқ вазифалар белгиланган, —

лигини таъминлашга кўмаклашиш борасида қўрилаган чора-тadbирлар ҳақида сўз юритилди.

— Коллежимиз қошида «Зиёкор талаба» шўъба корхонаси фаолият юритмоқда, — дейди Давлатобод енгил саноат касб-хунар коллежи директори Феруза Мелибоева. — Бу ерда коллежимизнинг битирган 60 дан зиёд қиз иш билан таъминланган. Улар тайёрлаётган 20 дан ортиқ турдаги эркак ва аёллар кийимлари харидорларга манзур бўлмоқда.

Вилоят ички ишлар, солиқлик сақлаш, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаларининг масъул ходимлари, шифокорлар, психолог-педагогларнинг мавзу бўйича маърузалари тинланди.

А.САТТОРОВ,
Ўза мухбири.

БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида вилоятдаги ахборот технологиялари ва коммуникациялари йўналишидаги таълим муассасалари битирувчилари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Бўш иш ўринлари ярмаркаси

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси ва вилоят маҳаллий бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада тизимдаги 30 га яқин корхона, ташкилот, алоқа операторлари ҳамда давлат бошқаруви органлари 100 дан ортиқ бўш иш ўрни билан қатнашди.

Президентимиз раҳнаомлигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва кенг жорий этиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Самарқанд вилоятида бугунги кунда ТАТУ Самарқанд филиали ҳамда етти касб-хунар коллежиди соҳа учун мутахассис кадрлар тайёрланмоқда. Мазкур таълим муассасалари талабалари ўқиб давридаёқ тегишли корхона ва ташкилотларда амалиёт ўтаб, касб кўникмасига эга бўлмоқда. Давлат органлари, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимлар ҳам ушбу муассасаларда ахборот техно-

логиялари бўйича ўз билим ва малакасини ошириш имкониятига эга.

Ярмаркада битирувчилар тақдир этилаётган иш ўринлари, корхоналар фаолияти билан яқиндан танишиб, иш амалиёти бўйича кўникма олганман. Бу эса корхонада иш бошлашимга ёрдам беради, деб ўйлайман.

Меҳнат ярмаркаси давомида 100 га яқин битирувчи ва иш бевувилар ўртасида шартномалар имзоланди.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
Ўза мухбири.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁЕВРОПА
ИТТИФОҚИ

ҳудудига 150 минг
қочқин ўтиши
кутилмоқда



Германияликлар қочқинларнинг навбатдаги оқимидан хавфсизламоқда, дейилади kottrespondet.net сайтида.

Триполидан «Болкон йўналиши» орқали 150 минг нафарга яқин ливияликларнинг Европа Иттифоқи ҳудудига кириши эҳтимоли бор.

Германия ҳукумати Европа Иттифоқида қўшни бўлган мамлакатларга чегара назоратини кучайтиришни сўраб расман мурожаат қилмоқчи.

Миграция ишлари бўйича халқаро ташкилот маълумоти-га кўра, жорий йилнинг ўтган 26 кунда Ўрта Ер денгизи орқали 47 мингдан ортиқ киши Европада ўтган. 2015 йилда эса Европа Иттифоқи ҳудудига келган қочқинлар сони 1 миллион 411 минг 712 кишини ташкил этган.

САРАТОН

ҳужайраларининг
уч ўлчамли
тасвири

Developmental Cell журналида олимлар томонидан саратон касали ҳужайраларининг уч ўлчамли тасвири олишга мўлжалланган микроскоп яратилгани ҳақида маълумот берилди.



— Ушбу ускуна саратон ҳужайраларининг ҳаракатини бошқарувчи молекуллар механизмларни чуқурроқ ўрганишга имкон беради. Энди олимлар «Биз нимани ўлчай оламиз?» саволи ўрнига «Нимани ўлчаш керак?» деган савол берилади — дейди Техас университети Жануби-Фарбий тиббиёт маркази профессори Рето Фиолка.

Ҳозиргача саратон ҳужайраларини текширишда икки ўлчамли ясси суратлардан фойдаланиларди. Аслида эса ушбу ҳужайралар мураккаб муҳитда ривожланади. Янги микроскоп ҳужайралар ҳаётини табиий шароитларга яқинлаштирган ҳолда ўрганиш имкониятини беради.



25 февраль куні Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бу ҳақда UzMedInfo маркази матбуот хизмати хабар бермоқда.

Кун тартибида — Оналик ва болалик муҳофазаси

Унда ҳудудий тиббиёт бирлашмалари, даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари, тиббиёт олий ўқув юр்தларининг кафедралари, профессор-ўқитувчилари иштирок этди.



Йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Болаларга хирургия хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги буйруғининг бажарилиши таҳлил қилинди. Шунингдек, 2015 йил якуни бўйича гўдаклар ва болалар ўлими таҳлили ва соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 28 майдаги «Ўзбекистон Республикасида пренатал ёрдамни ҳудудлаштириш (регионализиция) тўғрисида»ги буйруғи ижроси кўриб чиқилди.

Тараққиёт дастурининг 50 йиллиги нишонланди

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ватандошона томонидан Тараққиёт дастурининг 50 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди. Ташкилотчилар меҳмонларга БМТДнинг бутун дунё мижасида олиб бораётган ишлари тўғрисида маълумот беришди. 1966 йилда БМТДнинг ташкил этилишидан қўзланган мақсад ҳақон мамлакатларининг ривожланиш кўрсаткичларини янада яхшилаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ҳозирда амалда бўлган «Инсон ривожланиши» концепциясини илгари суришдан иборат.

«Эртанги кун спорти» фестивали жорий йилнинг 1-4 март кунлари «Жар» стадионида бўлиб ўтади

Мазкур мусобақада Ўзбекистон, Туркменистон, Эрон ҳамда Япониянинг 16 ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоалари иштирок этади, дея хабар берилади Ўзбекистон футбол федерациясининг расмий сайтида. Ушбу турнир Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси учун шу йил 15 сентябрдан 2 октябрга қадар Хиндистонда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида тайёргарлик вазифини ўтайди. Темур Олимхўжаев бошчилигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 25 февраль куні ўз йиғилишини бошлаб юборишди.



MARKAZIY KENGASHI

4 2016-yil, 27-fevral.
Shanba 25 (32.084)-son

КЎКЛАМ НАФАСИ

БАҲОР СУРХОНДАН БОШЛАНАДИ

Оламда соғинчлар
Нақадар бисёр,
Ҳар бир соғинчнинг ҳам
Ўз ранг туси бор,
Ҳар йил «Ахборот»да
Бир хабар такрор,
Бодомлар гуллади...
Сурхонда баҳор.

Сирожиiddин Саййид,
Ўзбекистон халқ шоири.

Юртимизга баҳор нафаси кириб келди. Қаратон киш ўз ўрнини фасллар келинчаги баҳорга бўшатиб берди. Баҳор фаслларнинг энг гўзали, энг дилбари. Бунда жонбахш она ер уйғонади. Дарахлар гуллади, қушлар хониш қилади. Чамандай гулларда, сайроқи булбулларнинг навосида тириклик, ҳаёт давомийлиги муҳассамлашган.

Табиат... Сўз билан ифодалаш мушкул бўлган сирли ҳикоят. Унинг ҳар бир япроғи, тоғ-тоши тилсим. Бағрида эса биз билган, билмаган не бир асорлар яширинган.

Она замин соғинчи бутун қалбини забт этган бободех-

қон кетмонини елкасида қўтариб даласига ошиқмоқда. Унинг бу йилги марралари янада улкан. Дарвоқе, мамлакатимиз деҳқонлари ўтган йили ҳам улкан жирмон қўтаришган эди. Улар 7 миллион 300 минг тонна галла, 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд пахта, шунингдек, пиллачилик, чорвачилик, мева-сабзавот ва бошқа тармоқлар бўйича белгиланган режаларни ортиги билан урдалашди.

Президентимизнинг Ўзбекистон деҳқонлари ва фермер-

лари, барча меҳнаткашларига йўллаган табриғида Қумқўрган туманидаги «Саодат» фермер хўжалиги ҳам алоҳида эътироф этилган эди. Бундан руҳланган фермер хўжалиги аъзоларининг жорий йилдаги режалари янада юксак. — Давлатимиз раҳбарининг дунёда Ўзбек деҳқонига тенг келадиган заҳматкаш ва миришқор инсонларни топишнинг ўзи қийин ва бу ҳақиқатни сиз, азизларнинг бу йилги бекиёс ютуқларингиз яна бир бор исботлаб ту-

рибди. Том маънодаги жасорат ва қаҳрамонлик намунаси бўлган олижаноб меҳнатингиз учун ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдириб, чин қалбимдан таъзим қиламан... деган сўзларини ўқиб, кўзимга ёш келди, — дейди бойсунлик фермер Жўрақул Назаров. — Очиғи, у кишининг оддий деҳқонларга бунчалик ҳурмат-этибор кўрсатиши, меҳнатимизни эъзозлаши кўнглимизни кўтарди. Мен қарийб 22 гектар ерда

деҳқончилик қиламан. Ўтган йилнинг кеч қуздан эътиборан синовлардан ўтган, харидорғир «Ботиркишмиш» узум навини кўпайтиришга киришдим. Бу йил янада катта марраларни кўзлаётимиз. Баҳор бизнинг Сурхонда эрта келади. Биз баҳор юмушларини бошлаб юбордик.

Ха, Сурхонда баҳор бошланди. Эндигина гуллаётган меваги дарахларнинг хушбўй хидини, барра ўтларнинг ширин тотини олиб яна баҳор келди. Президентимиз томонидан Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинган умидбахш йилнинг баҳори янада кўтлуг, янада файзли келишига ишонаман.

Қорли тоғлар бағридаги Бойсунга ҳам баҳор келди. Бодом кийгос гулга кирди. Зеро, шоир айтганидек:

Бу тонг Бойсундаги
тоғларни эниб,
Бир ел бир севинччи
етказди келиб,
Кеч пайт «Ахборот» да
шу бўлди такрор,
Сурхонда бодомлар
гуллади, баҳор...

Абди КОДИРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУНЁДКОРЛИК

АҲОЛИ ДАМ ОЛИШ МАСКАНИ



Хоразмда қишлоқ аҳолисининг маданий ҳордиқ чиқариши, ёшларнинг турли тўғарақларда шугулланиши ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун маданият ва дам олиш масканлари бунёд этилмоқда.

Боғот туманининг Қипчоқ қишлоғида аҳоли ихтиёрига топширилган маданият ва дам олиш масканида му-

малакали мутахассислар фаолият юритмоқда. Эътиборли томони, мазкур қишлоқда Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф Қувонқовнинг ташаббуси билан музей ташкил қилиниб, ундан истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақидаги экспозициялар ўрин олган. Эндиликда қаҳрамон номи билан аталадиган музей ҳам ана шу мажмуадан жой олди. Яқин йиллар ичида вилоятнинг чекка қишлоқларида 65 маданият ва аҳоли дам олиш масканлари бунёд қилиниб, ишга туширилиши режалаштирилган.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

MANZIL: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113-уй.
Мўлжал: Жанубий вокзал.
Телефонлар: (+998 71) 215-09-11, (+998 90) 174-26-36
www.sardor-avto.uz

Махсусотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

ZAZ Forza
Дв.: 109 л.с.
Бензин / газ

Нива бизнес-пикап, 4Х4
Дв.: 80,92 л.с. - бензин / газ

GAZ

СПОРТ

Кеча пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида республикамиз вазирлиги ва идораларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари ана шундай номланди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган мазкур спорт байрамида ўн олти ташкилотдан 224 нафар хотин-қиз майдонга чиқди.

«СПОРТ — НАФИСЛИК ВА САЛОМАТЛИК МАНБАИ»

Уч йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу мусобақага қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Дастлабки йили тўққиз вазирлик ва идора вакиллари катнашган бўлса, ўтган йили ўн учта терма жамоа ўзаро баҳс юритганди.

— Спорт мусобақасидан қўзланган бош мақсад — хотин-қизларимиз ўртасида спортни янада кенг тарғиб қилишдан иборат — дейди мусобақа бош ҳаками Клара Шокиржоновна. — Мусобақа дастурига кўра, ҳар бир жамоада ўн тўрт нафардан иштирокчи спортнинг гимнастика, мини-футбол, стол тенниси, дартс ва шашка каби турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда.

— Мудрофаа вазирлигида оператор вазифинида ишлайман, — дейди Динора Ҳусанходжаева. — Хизмат тақозоси билан бир жойда узок ўтириб ишлаймиз. Биз кабилар доимий спорт билан шугулланмасамиз саломатлигимизда муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Ёшим ўттиз иккида. Ўн икки ёшимдан бошлаб спортнинг таъқвоидо (WTF) тури билан олти йил шугулланганман. Турмуш ўртоғим ва икки ўлим ҳам спортни жуда севишади. Уйимизда стол теннис бор. Бўш вақтларимизда болаларим билан тен-

нис ўйнаймиз. Бундан ташқари, ўғилларим эркин кураш тўғра-тига катнашади. Аёллар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилганини эшитиб, унда иштирок этишга бажонидил рози бўлдим. Бу каби тадбирлар кўпроқ ўтказилса, нур устига нур бўларди.



Суратда: Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси терма жамоаси.

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 259
17506
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 01.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNOZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 5 6

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Президентимизнинг Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисидаги қарорига мувофиқ ўтган йилларда 136 болалар мусиқа ва санъат мактаби янгидан барпо этилиб, 142 таси реконструкция қилинди, таъмирланди.

САНЪАТ ТАРБИЯСИ

Халқ таълими вазирлиги томонидан пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактабида ташкил этилган матбуот анжуманида бу ҳақда батафсил маълумот берилди. Халқ таълими вазири Улуғбек Иноятлов 18-болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолияти мисолида юртимизда сўнгги беш йилда мусиқа ва санъат таълими ривожини йўлида амалга оширилган ишлар, уларнинг самаралари, истиқболдаги режалар юзасидан фикр юритди.

Анжуманда таъкидланганидек, 1991 йилда республикамиздан атиги 3 нафар ўқувчи халқаро танловларда иштирок этган. 2014 йилда эса 300 га яқин ўғил-қиз миллий ва жаҳон мусиқа асбобларини чалиш, анъанавий ва академик хонандалик, хореография йўналишлари бўйича қатор халқаро танловларда қатнашган ва уларнинг 122 нафари голиблик шохсупасига қўтарилган. 2015 йилда уларнинг сони 137 нафарга етиб, 76 нафари Гран-при ва биринчи ўринга лойиқ қўрилган.

Бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш ва янги босқичда давом эттиришда эса Президентимизнинг Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисидаги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 2016-2020 йилларда 14 минг 700 ўринли 98 болалар мусиқа ва санъат мактабини барпо этиш белгиланган. Улар 72 номдаги ўқув қўлланма ва адабиётлар, ноталар тўплами ҳамда кўргазмалар материаллари билан таъминланади. Жорий йилда ана шундай 18 муассасада қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари учун ота-оналар томонидан тўланадиган маблағ миқдори пасайтирилди. Тошкент шаҳрида битта бола учун бадал пули энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида тўланадиган бўлди. Вилоят марказларида 50, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа аҳоли пунктларида 30 фоиз этиб белгиланди. Агар битта оиладан икки ёки ундан ортиқ фарзанд мусиқа ва санъат мактабида ўқийдиган бўлса, уларнинг бир нафаридан бадал пули олинади, холос. Мамлакат ва халқаро танловлар голиблари бир йил бепул ўқитилад.

Тадбир сўнггида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Абдусалим МАХМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО	27-28.02 — 2016
Юртимиз бўлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+3 / +8	+13 / +18
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+7 / +12	+20 / +25
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
+5 / +10	+18 / +23
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+8 / +13	+20 / +25
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	
+3 / +8	+18 / +23
Тошкент шаҳри	
+8 / +10	+20 / +22